

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Л. Бегимкулова</b>	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан кўчиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар.....	171
<b>Ш.Рискулов</b>	
XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги геосиёсий вазият.....	174
<b>А.Нишонов</b>	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳоқими.....	179
<b>С.Мўминов, Н.Кўлдашев</b>	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
<b>Ф.Маматкулова</b>	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
<b>Ш.Низамова</b>	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
<b>М.Нуъмонжонова</b>	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
<b>С.Хақназарова</b>	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари.....	196
<b>М.Хамидов</b>	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
<b>Г.Ҳимматова</b>	
Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
<b>И.Доронина</b>	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
<b>Э.Гиздулин</b>	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
<b>Г.Розиқова, Э.Маруфова</b>	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
<b>Д.Юлдашева</b>	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида.....	214
<b>Н.Умарова, Х.Фаттоҳов</b>	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
<b>Н.Расулова</b>	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
<b>М.Саидова</b>	
К.Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
<b>Н.Каримова</b>	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
<b>З.Позилжонова</b>	
Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари.....	231
<b>Н.Турсунова</b>	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
<b>Ф.Анварова</b>	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида тутган ўрни.....	238
<b>Ф.Раҳматов, М.Ахмаджонов, М.Мирзарахимов</b>	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш .....	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
<b>Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003).....</b>	<b>246</b>

УДК: 8-1+7.047.1/2

## АБДУЛЛА ШЕР ИЖОДИДА ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

## ПЕЙЗАЖИ РОДИНЫ В ТВОРЧЕСТВЕ АБДУЛЛЫ ШЕРА

## COUNTRY SCENES IN THE PRODUCTIONS OF ABDULLA SHER

С.Хақназарова<sup>1</sup><sup>1</sup>С.Хақназарова

– ФарДУ, катта ўқитувчи.

**Аннотация**

Мақолада Абдулла Шер ижоди ҳақида сўз юритилиб, унинг ижодидаги Ватанга ва миллатимизга бўлган муҳаббат ғоялари тараннум этилади.

**Аннотация**

Статья посвящена творчеству Абдуллы Шера, воспевающего идеи любви к Родине и народу.

**Annotation**

The article deals with the work of Abdullah Sher and glorifies the ideas of love for the Motherland and our nation in his work.

**Таянч сўз ва иборалар:** миллий ифтихор, миллий руҳ, Ватанга муҳаббат, халқона соддалик, теран нигоҳ, лирик қаҳрамон, ғоявий мақсад.

**Ключевые слова и выражения:** национальная гордость, национальный дух, любовь к Родине, народная простота, глубокий взгляд, лирический герой, идейная цель.

**Keywords and expressions:** national pride, national spirit, love for the Motherland, national simplicity, deep vision, lyric hero, ideological goal.

Абдулла Шер ижодининг кўлами кенгдир. Мумтоз оҳанглар сеҳрига йўғрилган асарларида инсон ҳаётига, характериға, қалбига хос мураккаб зиддиятларга тўла рангин олам манзараларини кўрамыз. Ижодкор кўз ўнгимизда гоҳ донишманд қиёфасида гавдаланади, гоҳ ҳаёт, умр мазмуни ҳақида фалсафий фикрларни сўзлайди.

Шоир қаламга олган мавзулар ранг-баранг: ҳаёт, Ватан, турмуш, севги, соғинч, ҳажр, гўзаллик ва меҳр ҳақида. Адиб ижодида ажодларимизга бўлган чексиз эҳтиром ва эътиборни ҳам ҳис қиламыз. Миллий ифтихор, Ватанга, ўз тили ва тарихига бўлган муҳаббат шоир шеърларининг асосий ғоясидир.

Ватанга ўзгача муҳаббат туйғулари билан йўғрилган шеърларида, шоир Ватан манзараларини, бепоён далаларини, сўлим гўшаларини, қишлоқлар ва уларнинг гўзал табиатини оддий ва содда, ҳар бир китобхонга таниш сўзлар орқали ифода этган. Шоирнинг “Шеърлар тўплами”даги “Ёз” шеърида қуйидаги сатрлар бор:

Жўхоризор мудрайди беғам,  
Суратдаги кўк кўлга ўхшар.  
Ҳансираган сарғимтил олам  
Чидолмасдан гўё пўст ташлар.  
Шошмас ҳатто дала ариғи,  
Дақиқалар ўтар ўрмалаб.  
Живир-живир қуёшнинг тиғи  
Кириб борар ерни пармалаб.

Ушбу мисралардаги ҳислар жилваси, туйғулар тўлқини, дала манзараларига ҳамоҳанг тарзда акс эттирилган. Шеърни ўқиган китобхон беихтиёр ўзини табиатнинг ана шу гўзал гўшасида юргандай тасаввур қилади.

У ўзининг “Мўъжизавийлик ва хаёлийлик” мақоласида шундай фикрларни баён қилган:

“Мўъжизавийлик асосига қурилган асарларда ёруғ бир ҳаётбахшлик мавжуд. Бу эса атрофдаги реал ҳаёт, шарт-шароит, вазиятнинг қандайлигидан қатъий назар, одамда бахтли бўлишга ишонч пайдо қилади” [1,1].

Абдулла Шер лирикасида беқиёс соддалик санъати борки, бу илҳомбахш изланиш, узоқ давом этган ижодий меҳнат самарасидир. Ана шу халқимизга хос бўлган соддалик, беғуборлик фазилатлари шоир шеърларида ўз аксини топган.

Адиб “Оқ булутдан томган томчилар” тўпламида қуйидаги фикрларни баён этади: “...Шаклий изланишларни мен кўллаб-қувватлайман. Фақат боя айтганимдек, осонгина ўн тўрт қаторни «қотириб» ташлаб, уни сонет дейиш, уч сатрли шеър ёзиб, уни ҳайку дейиш бошқа масала: хорижий шакл ҳам худди биз ҳозир кийиб юрган, ўзимизники қилиб олганимиз оврўпача костюмга ўхшайди – лойиғини кийиш керак, холос” [2,1].

Мана шу ақидага амал қилган ҳолда шоир турли шаклий изланишлар орқасидан қувмайди, балки ўзига хос тарзда, ўз ҳис-туйғуларини содда ва теран фикрлар мажмуасида намоён этади.

Буни биз шоирнинг “Ёз” шеъри мисолида кўришимиз мумкин:

Кундузлари тиллашиб ёниқ,  
Кўёшу Ер сансирашади.  
Қулоқ тутсанг, тинглайсан аниқ  
Далаларнинг ҳансирашини.

Бу пурмаъно сатрлардан биз нафақат дала манзарасини, балки инсон ҳисларини қитиқловчи кечинмаларини, унинг қалбига қандайдир илиқлик бағишловчи туйғуларини ҳам илғаб олишимиз мушкул эмас.

Сермаҳсул ижодкор шеърларида Ватанимиз манзараларини рангин, шоирона маҳорат билан тасвирлайдики, унинг шеърларини мутолаа қилган китобхон юрагини ажиб бир ҳислар чулғаб олади:

Ўримини кутар бош эгиб,  
Пайкалларда куюқ, сара дон.  
Пешиндан сўнг уфққа тегиб,  
Қайтиб келар яна саратон.

Юртимиз бепоеён далаларини мадҳ этган ушбу мисраларда шоир, китобхон қалбига яқин жумлалардан фойдаланиб, Ватан манзарасини кўз ўнгимизда жонлантиради. Сатрлар юракнинг туб-тубига сингиб, қалбдаги нозик ҳис-туйғуларни янада жунбушга келтиради.

Бу мисраларда шоир фақат дала ва ёки табиат манзарасинигина эмас, балки Ватанига бўлган буюк севгисини ҳам тараннум этган.

Шоир шеърларининг асосий мавзуси — бу, Она-юрт, Ватандир. Она-юрт, табиат, — булар бир-бирига муштарак, уйғун тушунчалардир. Мана шу уйғун тушунчалардан унумли фойдаланган ижодкор шеърларида юртимизнинг беназир табиати ва сўлим гўшаларини поэтик маҳорат билан тасвирлайди.

Шоир шеърларида табиат манзаралари Ватан қиёфасини тўлдирувчи бир объект,

деталгина эмас, балки шоир наздида, табиат — Ватаннинг бир бўлаги, эмоционал кечинмалар ва инсон куч-қудратининг асоси, доимо янгилашиб турувчи ҳаёт тимсолидир.

Намозгарда шовқин уйғониб,  
Яна осмон таранглашади.  
Ёлғиз булут ғурубда ёниб,  
Олов билан ранг талашади.

Бу сатрларда инсондаги ҳислар жилваси, туйғулар манзараси, теран фикр ва мушоҳадалар орқали жонлантирилади. Шоир шеърларида баландпарвоз жумлалардан қочиб, халқ юрагига яқин бўлган содда ва тушунарли жумлалардан фойдаланади. Шунинг учун ҳам ижодкор асарлари китобхонга маъқул бўлиб, унинг юраги тубидан жой олишга улгурган.

Адиб шеърларида нафақат Ватани, балки шу тупроқнинг эгалари саналмиш ўзбек халқининг юксак фазилатларини ҳам моҳирона мадҳ этган. Фақат ўзбек халқига хос бўлган соддадиллик, тантилик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва меҳмондўстлик хислатлари ижодкор шеърларининг асосий мазмуни бўлган. Зеро, у шу халқнинг саркаш бир вакили сифатида ушбу сатрларни баён этган:

Мен шоирман, мен — Абдулла Шер,  
Барлосларнинг саркаш фарзанди.  
Айтгил Осмон, айтгил она Ер:  
Ўз асримга менми асранди?!

Адиб ўзининг “Мўъжизавийлик ва хаёлийлик” мақоласида ушбу жумлаларни айтиб ўтган “Шаклан ва мазмунан ноёб асар вужудга келганда, уни “мўъжиза” деб аташ одат тусига кирган. Яъни бу тушунча эстетик баҳолаш мезони сифатида юксак талаблардан келиб чиқади ва воқеликнинг одатдаги тасвирларидан фавқулодда баланд савияда экани билан — ажралиб туради” [3, 1].

Дарҳақиқат, шоир ўз ижодида шаклан ва мазмунан бир-бирига мос келган асарларни вужудга келтириб, адабиётимизда мўъжиза яратди, десак муболаға бўлмайди. У яратган бу “мўъжизалар” эса китобхон қалбида бир умр муҳрланиб қолади.

#### Адабиётлар:

1. Абдулла Шер. Мўъжизавийлик ва хаёлийлик // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. - 2013 йил 14-сон.
2. Абдулла Шер. Оқ булутдан томган томчилар. Хуршид Даврон кутубхонаси. -2015 йил, 5 август.
3. Абдулла Шер. “Мўъжизавийлик ва хаёлийлик” мақоласи. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. - 2013 йил, 14-сон.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев — филология фанлари доктори).